O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY ... INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил 7 июль ШАНБА

№ 55 (11.962)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади




**Вилоятимизнинг саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш салоҳияти шу ҳафтада яна бир замонавий корхона билан бойиди. Тошкент туманининг Ҳасанбой қишлоғида янги тўқимачилик фабрикаси – «Ҳасанбой Мурувват-Текс» ишга тушди. Замонавий тўқимачилик корхонасининг муваффақиятини биринчи навбатда, буюртмани илдам бажариш, шу жумладан, мода ва газламанинг сифатига қараб, уни тез ўзгартира олиш маҳорати белгилайди.**



# ЯНГИ КОРХОНА ИШГА ТУШДИ

– Фабрикамиз айни шу тамойилдан келиб чиқиб ишлайди, – деди журналистларнинг саволларига жавобан корхона директорининг ходимлар билан ишлаш бўйича ўринбосари Азиза Ғиёсова. – Бичувчи-модельеримиз Азиза Бобожонова билан ҳамкорликда эркаклар ва аёллар учун трикотаждан тикиладиган 20 га яқин кийим модаларини ишлаб чиқдик. Ишлаб чиқариш қувватлари ортиб боргани сари маҳсулот турини 80 тагача етказамиз. Сифатга катта эътибор қаратаётирмиз, зеро маҳсулотимизнинг 80 фоиздан ортиғи экспортга жўнатилади. Ҳозирча цехларимизда беш юз хотин-қиз меҳнат қилмоқда. Корхонамиз икки сменада ишлашга ўтгач, яна беш юз ишчи қабул қиламиз.

«Ҳасанбой Мурувват-Текс» компанияси Ўзбекистон бозорида янги эмас. Бу фирма фақат пойтахтимизнинг ўзида учта тўқимачилик фабрикасига эга. Энди уларга Тошкент туманида барпо этилган янги ишлаб чиқариш қуввати ҳам қўшилди. Дарвоқе, Ҳасанбой қишлоғидаги фабрика ишга тушиши билан «Ҳасанбой Мурувват-Текс» тўлиқ ва мукаммал ишлаб чиқариш циклига ўтди. Фирманинг ўзи Янгийўл, Бекобод ва Бўка туманларида пахта етиштиради, хом ашёни қайта ишлаб, ундан газламалар ишлаб чиқаради ва тайёр кийимлар тикади. Натижада маҳсулот ҳийла арзонлашади. Унинг рақобатбардошлилиги ошади. Фақат вилоятимизнинг ўзида – Чирчиқ ва Чинозда бир неча йирик тўқимачилик фабрикалари ишлаб турган ҳозирги вазиятда ишлаб чиқаришни оқилона ташкил этиш ниҳоятда муҳим.

Янги тўқимачилик фабрикасида иқлим шароитлари ва экологик хавфсизлик талаблари ҳисобга олиниб, ҳавони совутиш ва кучли шамоллатиш тизими яратилган. Кўриниб турибдики, корхонани қуриш учун сарфланган 1,5 миллион доллар хорижий сармоя оқилона сарфланган.

– Бунчалик қулай шароитларда ҳали ҳеч қачон ишламаган эдим, – дейди тикувчи Юлдуз Йўлдошева. – Ошхонанинг шинамлигини айтинг. Ҳамма жой топтоза, батартиб. Агар ҳаракат қилинса, мўмайгина иш ҳақи ҳам олиш мумкин.

Лекин тадбиркорлар фабриканинг ўзини қуриш билан кифояланишгани йўқ. Иншоотни барпо этиш жараёнида бир қатор ижтимоий лойиҳалар ҳам амалга оширилди. Уларнинг орасида энг кўринарлиси – уч қаватли тиббий хизмат маркази ҳисобланади. Унинг таркибида поликлиника ва 50 ўринли даволаш бўлими ҳам бор. Марказнинг бош шифокори Фаррух Шарипов бош мия ва юракда мураккаб текширишлар ўтказиладиган замонавий тиббиёт ускуналари, терапия ва уқалаш хоналари, тренажёр зали ва бошқа жиҳозларни фахрланиб намойиш қилди.

Тиббиёт амалиётида касаллик тарихини ёзиб ўтиришга ҳожат қолмаяпти. Тугмачани боссанг бас, экранда даволанувчининг бутун касаллик тарихи пайдо бўлади.



Тиббий марказ яқин атрофдаги одамларга ҳам хизмат кўрсатади. Бу ерда кардиология ва неврология бўлимлари ҳам бор.

– Ҳали режаларимиз, истиқболли лойиҳаларимиз кўп, – дейди Азиза Ғиёсова. – Биз жиддий ва муқим ишлаш ниятидамиз.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Рустам Қосимов иштирок этди.

**Содиқ МУРОДОВ.**

**СУРАТЛАРДА:** корхонанинг умумий кўриниши; дастлабки иш жараёнидан лавҳалар.

**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**

# ЯРИМ ЙИЛ САРҲИСОБИГА БАҒИШЛАНДИ

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар масалалари комплексининг жорий йил биринчи ярмидаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш якунларига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.**

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 12 февралда ўтган мажлисидаги "Янгиланиш ва барқарор тараққиёт йўлидан янада изчил ҳаракат қилиш, халқимиз учун фаровон турмуш шароити яратиш – асосий вазифамиздир" маърузасида белгиланган вазифаларнинг ижросига ҳамда ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар соҳасида ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир масалалар муҳокама қилинди.

Ҳисобот даврида соҳа корхоналари томонидан норматив-ҳуқуқий асосларни такомиллаштириш, ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштириш, оммавий ахборот воситаларини демократлаштириш ва эркинлаштириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, молиявий ва ижро интизомини кучайтириш, хизматлар турларини кўпайтириш, телекоммуникация тармоқлари ва ахборотлаштириш тизимларини модернизация қилиш ва ривожлантириш йўналишида амалий ишлар олиб борилгани айтиб ўтилди.

Йиғилишда мамлакатимизда муаллифлик ҳуқуқлари ва интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ишларга ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Келгусида ушбу йўналишда ва бошқа соҳалар бўйича жаҳон тажрибасини ўрганишга, халқаро ташкилотлар билан ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришга алоҳида эътибор қаратиш лозимлиги таъкидланди.

Ахборот-коммуникация технологиялари, матбаа соҳаларида хизмат кўрсатишни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш суръатларини янада жадаллаштириш, жумладан, қишлоқ жойларда алоқа соҳасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш ҳамда нашриёт-матбаа ижодий уйлари қошида аҳолига хизмат кўрсатиш тармоқларини ташкил этиш бўйича топшириқлар берилди.

Мажлисда банк-молия тизимидаги ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва кўламини кенгайтириш борасида "Алоқабанк" акциядорлик тижорат банки томонидан аҳолига қўшимча қулайликлар яратиш, янги замонавий технологияларни жорий этиш ҳамда пластик карточкалар асосида ҳисоб-китоблар тизимини янада ривожлантириш лозимлигига эътибор қаратилди.

Шу билан бирга, йиғилишда ижро интизомини кучайтириш, комплекс таркибидаги идоралар раҳбарларининг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, устувор давлат дастурларининг бажарилишини таъминлаш юзасидан тегишли кўрсатмалар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

**ЎзА.**

# ФЕРМЕРГА ЭЪТИБОР

Зангиота туман ҳокимлиги ташаббуси билан Бўзсув қишлоғининг Гулистон маҳалласидаги маданият уйи биноси капитал таъмирланмоқда. Келгусида бу ерда «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг туман бўлими муассислигида ўқув маркази фаолият бошлайди. Боғдорчилик, сабзавотчилик, чорвачилик билан шуғулланаётган фермерлар марказда ўз билим ва кўникмаларини ошириш имкониятига эга бўладилар. Шунингдек, фермерлар компьютер марказида интернет орқали мамлакатимиз ва дунёда рўй бераётган янгиликлардан ҳам бохабар бўлиб турадилар.

**Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитасида Ўзбекистон истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари Федерацияси ҳамда Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан нашр қилинган «Ижтимоий ҳимоя. Истеъмолчи-ногиронларнинг ҳуқуқлари» номли нашрнинг тақдимот маросими бўлиб ўтди.**

# ИСТЕЪМОЛЧИ ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Тадбирда Соғлиқни сақлаш вазирлиги, Ногиронлар, Кўзи ожизлар, Карлар, Қизил ярим ой жамиятлари ва бир қатор мутасадди ташкилотлар вакиллари иштирок этди.

Тадбирда сўз олганлар ногиронларнинг ижтимоий шароитга мослашуви, уларнинг иқтисодий ҳолатини яхшилаш, имконияти чекланган шахсларнинг жамият ривожланиши ва ҳаётда фаол иштирокини янада кенгайтириш, инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишни таъминлаш долзарб масалалардан эканлигини таъкидлашди.

**«Туркистон-пресс».**

**Ўзбекистон Республикаси Хотин-қизлар қўмитасида 14-17 июль кунлари Наманган шаҳрида бўлиб ўтадиган «Тўмарис» аёллар спорт фестивали олдидан давра суҳбати бўлиб ўтди. Унда хотин-қизлар қўмитаси фаоллари, жамоатчилик вакиллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этишди.**

# ФЕСТИВАЛЬ ОЛДИДАН СУҲБАТ

– Ушбу фестивалга Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳридан 26 нафардан иштирокчи таклиф этилган, – деди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси спорт ишлари бўйича етакчи мутахассиси Мухтасар Абдураҳмонова. – Унда аёллар спортнинг волейбол, стритбол, енгил атлетика, стол тенниси, шахмат, арқон тортиш ва сузиш турлари бўйича беллашадилар. Шунингдек, синхрон сузиш бўйича вилоятлардан беш нафардан спортчи кўргазмали чиқиш учун таклиф этилган. Эътиборлиси, мусобақаларда қатнашаётган жамоалар таркибида ишлаётган аёллар билан бир қаторда уй бекалари ҳам бор.

Ҳақиқатдан ҳам, Ўзбекистон Республикаси Президентининг аёлларни спортга оммавий равишда жалб этиш борасидаги таклифига биноан хотин-қизлар қўмитаси томонидан олиб борилаётган тадбирлар кўлами кенгайиб бормоқда. Бугунги кунда аёллар спартакиадаси иштирокчилари 1 миллион 718 минг кишидан ошиб кетди.

– Спортга меҳр қўйиш – жисмоний ва маънавий мукаммалликка эришишдир, – деди Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси раисининг ўринбосари Нурия Туреева. – Ҳукуматимиз раҳбарияти томонидан спортга бўлган катта эътибор туфайли мамлакатимиз спортчилари халқаро спорт мусобақаларида улкан муваффақиятларга эришмоқда. Келгусида бизнинг спортчи аёлларимиз ҳам ана шундай нуфузли мусобақаларда иштирок этиб, Ватанимиз шарафини муносиб ҳимоя қиладилар.

**Сайёра РИХСИЕВА.**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

# ХАЙРИЯ КОНЦЕРТ ДАСТУРИ

Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси ҳамда Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми ташаббуси билан Олмалиқдаги «Металлург» маданият саройида Ижтимоий ҳимоя йили ва мустақилликнинг 16 йиллигига бағишлаб Ўзбекистон халқ артисти, опера ижрочиси Исмоил Жалиловнинг «Мурувватли бўлайлик» деб номланган катта хайрия концерти бўлиб ўтди.

Кечада мингга яқин кам таъминланган оилаларнинг фарзандлари иштирок этди.

# ЎЗБЕКИСТОН – УМУМИЙ УЙИМИЗ

Олмалиқдаги корейс миллий маданият марказида тантанали кеча ташкил этилди. Тадбирда Кореянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси жаноб Кен Же Мин иштирок этди. Кечада сўзга чиққанлар корейс-ўзбек муносабатлари, икки давлат ўртасидаги дўстлик ришталарининг ривожи хусусида алоҳида тўхталиб ўтишди.

**Мўмин ИБОДОВ.**

# ОНА ВА БОЛА САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

**"ЭКОСАН" халқаро ташкилотида "Ижтимоий ҳимоя йили" Давлат дастурининг ижроси доирасида она ва бола саломатлигининг ижтимоий-гигиеник ва экологик жиҳатларига бағишланган илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.**

Тадбирда "ЭКОСАН" халқаро ташкилоти раиси Ю. Шодиметов, "Оила" илмий-амалий маркази директори В. Каримова, Тошкент педиатрия тиббиёт институти проректори Д. Аҳмедова ҳамда бошқалар мамлакатимизда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, ижтимоий муҳофаза этиш, оналик ва болаликни ҳимоя қилиш давлат сиёсатининг устувор йўналишлари сифатида белгиланганлигини таъкидладилар.

Шунингдек, йиғилишда атроф-муҳитнинг ифлосланиши ва бошқа салбий омилларнинг инсон саломатлигига таъсирини камайтириш, оммавий спорт ва жисмоний тарбияни ривожлантириш, рационал овқатланиш қоидаларини кенг тарғиб қилиш борасида кенг миқёсли чора-тадбирлар кўрилаётгани ҳам айтиб ўтилди.

Тадбир иштирокчилари бу соҳада эришилаётган ютуқлар билан бир қаторда аёллар ва болалар саломатлигига салбий таъсир этаётган баъзи экологик муаммоларга ҳам эътиборни қаратишди.

**ЎзА.**

## ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ ● ВИЛОЯТ ҲАЁТИ

# ТАДБИРКОРЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИКЛАР

**Вилоят ҳокимлигида маҳсулотларни лицензиялаш ва сертификатлаш масалаларига бағишланган семинар-йиғилиш ўтказилди. Тадбирда вилоят бошқармалари ва тизимга алоқадор идораларнинг ходимлари иштирок этишди.**

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг соҳага оид айрим қарорларига киритилган ўзгартиришлар, бу борада тадбиркорларга яратилган қулайликлар муҳокама қилинди.

Асосий эътибор маҳсулотларни сертификатлаш, экспорт-импорт қилиш чоғида уларнинг сифати устидан назоратни кучайтириш масалаларига қаратилди.

**Ибодилла МЎМИНОВ.**

# ЁШЛАРГА ФУҚАРОЛИК ПАСПОРТИ

**«Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати Юқоричирчиқ туман кенгаши ҳомийлигида кам таъминланган, боқувчисини йўқотган 10 нафар йигит-қизга фуқаролик паспортлари топширилди.**

– Авваламбор, «Камолот»чилардан миннатдорман, – дейди Жамбул қишлоғида яшовчи Гулсанам Орзиқулова. – Чунки, ёшлар ҳаракати ҳомийлигида фуқаролик паспортини олишга муяссар бўлдим. Бу мен учун энг қувончли кун сифатида бир умр ёдимда қолади. Азиз юртимнинг ҳақиқий фуқароси бўлганлигим билан фахрланаман.

**Латифжон МАНСУРОВ.**

# РЕСПУБЛИКАДА НАМУНАЛИ

***Янгийўл шаҳридаги академик лицей республикамиздаги намунали ўқув юртларидан бирига айланиб улгурди.***

Тошкент давлат техника университетининг базавий билим даргоҳи ҳисобланган бу масканда ижтимоий-гуманитар, аниқ ва табиий фанлар ҳамда чет тиллар филологияси йўналиши бўйича ўқувчиларга пухта билим берилаётир. Ўтган йили 138 битирувчидан 96 нафари олий ўқув юртларига ўқишга қабул қилинди. Уларнинг икки нафари эса Россиядаги олий ўқув юртига киришга муяссар бўлди.

Янги ўқув йилида рус филологияси йўналиши бўйича қўшимча курслар очилади. Математикадан амалий машғулотлар олиб боришга мўлжалланган ўқув лабораторияси ҳам фаолият кўрсата бошлайди.

**Акбар АЛИЕВ.**

## 2007 йил – Ижтимоий ҳимоя йили

# ШУКРОНАЛИК

**Ижтимоий ҳимоя йили муносабати билан Президентимиз саъй-ҳаракатларига кўра пенсионерлар, уруш ва меҳнат-фахрийлари, ёлғиз қариялар кўмагига муҳтож кишилар саломатлигини тиклаб, дам олишлари учун республика сиҳатгоҳларига бепул йўлланмалар тарқатилмоқда. Хусусан, вилоятимизнинг 246 нафар фуқароси ҳам ана шундай имтиёзга эга бўлди.**

Куни кеча Тошкент ва Юқоричирчиқ туманларида вилоят хотин-қизлар қўмитаси ва касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси ташаббуси билан ана шундай тадбирлар ўтказилди.

– Сизларнинг сочингиздаги оқ, юзингиздаги ажинлар эл-юрт равнақи, халқ тинчлиги, оилалар баркамоллиги йўлида қилинган меҳнатларингиз, чеккан заҳматларингизнинг белгиларидир, – деди вилоят ҳокими ўринбосари, хотин-қизлар қўмиатси раиси Фарида Акбарова йўлланмаларни топшириш маросимида. – Бугунги кунда ҳам бизларга сиздек отахон ва онахонларнинг ўгитлари, маслаҳатлари ниҳоятда зарур. Ҳукуматимиз ташаббуси билан амалга оширилган бундай хайрли иш сизларга янада тетиклик, куч-ғайрат бахш этади, деб ўйлаймиз.

Касаба уюшмалари вилоят ташкилотлари бирлашмаси кенгаши раиси Муҳайё Тўлаганова йўлланмаларни эгаларига топширар экан, уларга яхши дам олиб, саломатликларини тиклаб қайтишларини тилади. Йўлланмаларни олган юртдошларимизнинг қувончи чексиз эди.

– Бундан саккиз йил аввал ўғлим билан келиним вафот этиб, уларнинг уч нафар фарзандлари етим қолишган, – деди зангиоталик Мусавара Шарипова. – Ҳозир улар менинг қарамоғимда. Ёшим 70 га чиқиб, саломатлигим анча безовта қила бошлади. Лекин соғлиғимни тиклаш учун имкониятим бўлмаётган эди. Мана бугун менга «Ботаника» санаторийсига йўлланма беришди. Бундан жуда хурсандман.

Муҳаббат Маҳкамова эса Тошкент туманидан:

– Йигирма йилдан бери нафас қисиш касалим бор, – деди у. – 4 нафар фарзандни ёлғиз ўзим тарбиялаб, соғлиғимга қарашга вақт ва маблағ ажратолмас эдим. Мана бугун даволаниш учун «Бўстон» санаторийсига бепул йўлланма олдим. Шундай имконият яратганлари учун раҳмат деймиз.

Дарҳақиқат, кексалар ва аёллар эъзозланган, ҳурмати ўрнига қўйилган жойда албатта, қут-барака, файзтаравот бўлади. Зеро, уларнинг дуолари бизларни доимо қўллаши шубҳасиз.

Бундай хайрли тадбирлар вилоятнинг бошқа шаҳар ва туманларида ҳам давом этмоқда.

**Зулхумор ЖЎРАЕВА.**

## Қишлоқ мулкдорлари



# ҲАМ ДЕҲҚОН, ЧОРВАДОР

...Мирсалим ғаллага ўроқ тушадиган тонгни далада қаршилади. У бўлиқ бошоқларини кўз-кўз қилаётган буғдойзорни оралар экан, ўтган йили шу майдон ўрнидаги қуюқ қамишзорни кўз олдига келтирди. Ер эгаси бўлиб ишга киришганида, унга: «Кўлмакли қамишзорни обод қилгунингча сочинг оқаради-ёв», – дея писанда қилгувчилар бўлди. Лекин ерни севган, деҳқончилик касбини улуғлаган фермер бу сингари фикрларга эътибор қилмади, янги ерни ўзлаштиришга отланди. Аввал ишни кўлмак сувни қочириш учун 400 метрлик масофада захкаш қазишдан бошлади. Нам қочгач, 24,5 гектар ер қамиш ва унинг томирларидан тозаланди. Туман фермер хўжаликлари уюшмаси кўмаги билан Ангрен дарёсидан хўжаликкача бўлган 4,5 километр масофада ариқ қазилди. Агротехника қоидалари асосида ишлов берилган янги ерлар минерал ва маҳаллий ўғитларга оби-тобида тўйинтирилиб, кузда 15 гектар майдонга буғдой уруғи қадалди. Баҳорда эса 3 гектар макка экилди. Оҳангарон туманидан «MUSO OKNS FORO ZAMINI» фермер хўжалигининг фаолияти ана шундай ҳаракатлар билан бошланди.

Дарҳақиқат, хўжалик раиси Мирсалим Мусаев деҳқончилик соҳасида 30 йиллик тажрибага эга. Отаси Турғунбой ака ҳам ернинг билимдони. Юз ёшга киряптики, ота далага интилади. Ўғлига, невараларига деҳқончиликнинг сир-асрорларини ўргатади, баъзан эрталабдан кечгача иш бошида ўзи туради.

Хўжаликда ғалла ўрими бир кунда якунланди. Ҳар гектаридан 44 центнердан сара буғдой ҳосили йиғиштириб олинди. Ўрим-йиғимнинг режали ташкил этилишида туман машина-трактор парки раҳбариятининг ёрдами катта бўлди. 1 та «Кейс», 4 та юк ташиш машинаси унум билан ишлади.

– Туманда ўрим-йиғим ишлари фермер хўжаликлари уюшмаси томонидан тузилган жадвалли йўриқнома асосида олиб борилаяпти, – дейди ҳамроҳимиз, туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мутахассиси Ёқубжон Имонов. – Бу мавсумнинг муваффақиятли якунланишига имкон яратади.

– Энди ҳосилдан бўшаган майдонларни пешма-пеш шудгорлаш ишларига ҳам вақт етди, – дейди фермер М. Мусаев. – Сентябргача мавжуд майдонларни маҳаллий ва минерал ўғитлар билан тўйинтириб, октябрь ойининг бошларида кузги экишни бир иш кунида якунлаймиз.

Ҳозирда Мирсалим Мусаев фермерликдан ташқари чорвачилик билан ҳам шуғулланмоқда. Айни пайтда хўжалик қарамоғида 14 бош қорамол, 28 бош қўй бор. Шулар ҳисобидан хўжалик шартнома асосида тумандаги болалар боғчалари ва мактабларга бир йилда 4 минг литр сут, «Оҳангаронбозор» масъулияти чекланган жамиятига 3 тоннадан зиёд гўшт топшириш мажбуриятини олган.

– Ҳукуматимиз томонидан фермер хўжаликлари учун кенг имкониятлар яратилаётганлиги айни муддао, – дейди суҳбатдошимиз. – Бу эътибор ва ғамхўрликларга жавобан биз, фермерлар фаолиятимиз доирасида юртимизга, халқимизга манфаатли ишлар қилишга, яхшиликлар яратишга ҳаракат қилмоғимиз керак. Йил бошида «Ўзэкспомарказ»да ўтказилган янги технологиялар кўргазмасида иштирок этганлигимиз ҳам бизга катта фойда берди. Мен ўзим кўргазмада ҳайдов-чопиқ ишларини бажарадиган янги техникани лизинг асосида сотиб олиш учун Россиянинг трактор заводи вакиллари билан шартнома имзоладим.

Ҳа, фермернинг келажакдаги режалари аниқ. Айни вақтда чорва хўжалигини ривожлантириб, янги технология асосида қуруқ сут тайёрлашни йўлга қўйиш, шунингдек, мева ва пиёз қуритиш цехларини ташкил этиш каби истиқболли ҳаракатлар ташвишида.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТДА:**
фермер Мирсалим Мусаев (чапдан ўнгга) комбайн ҳайдовчиси Элмурод Нишонов ҳамда туман ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими мутахассиси Ёқубжон Имонов билан ўрим натижалари хусусида фикрлашмоқда.
**Муаллиф олган сурат.**

**Бугун вилоятимизнинг шаҳар ва қишлоқларида бунёдкорлик, ободонлаштириш ишлари айни авж паллада. Айниқса, аҳолига маиший хизмат кўрсатиш сифатини яхшилашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Зангиота тумани Хонобод қишлоғида иш бошлаган аҳолига қишлоқ хўжалиги масалалари бўйича хизмат кўрсатувчи мажмуа бунга яққол мисол бўла олади.**



# МАРКАЗЛАШГАН МАЖМУА

Бу ерда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари уруғи ҳамда улар учун макро ва микро элементлар билан савдо қилувчи, шунингдек, ветеринария дўкони иш бошлади. Бундан ташқари чорва молларини сунъий қочириш шахобчаси ҳамда ветеринар шифокор учун барча қулайликларга эга хоналар берилди. Шунингдек, омихта ем ҳамда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари савдоси ҳам шу ернинг ўзида йўлга қўйилди.

— Аҳолимиз учун бундай мажмуанинг очилиши айни муддао бўлди, – дейди Хонобод қишлоқ фуқаролар йиғини раиси Аброр Сулаймонов. – Сабаби, қишлоқ аҳлининг қарийб 85-90 фоизи аграр соҳа билан шуғулланади. Аксарият ҳолларда кўпчилик уруғлик топиш, чорва озуқаси ёки унинг дори-дармонини қидириб шаҳарга чиқишар, анча оворагарчилик бўларди. Бугун эса бундай сарсонгарчиликка ўрин қолмади.

Ушбу мажмуа ҳудуддаги фермер ва тадбиркор Ражаббой Болтаев томонидан бунёд этилди.

– Аҳолининг талабидан келиб чиқиб шу ишга қўл урдик, – дейди у. – Эндиги мақсадимиз мажмуа фаолиятини янада кенгайтиришдир.

– Менга айниқса, сунъий урчитиш шахобчасининг очилиши маъқул бўлди, – дейди Содиқ Ўринбоев. – Яқин-ўртада бундай жой бўлмаганидан зотдор насл олиш масаласи муаммо бўлиб келарди. Эндиликда чорвамиз насли яхшиланадиган бўлди.

Мажмуанинг очилиш маросимида қатнашган хонободликлар билан суҳбатлашар эканмиз, улар бундай байрамона совғадан мамнун эканликларини билдиришди.

**Равшан ЁҚУБЖОНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:**
мажмуанинг очилиш маросимидан лавҳалар; дастлабки омихта ем савдоси пайтида.
**Еркебой БОТИРОВ олган суратлар.**





# СОЛИҚ ВА ИҚТИСОДИЙ ЮКСАЛИШ

**Мамлакатимизда бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш, иқтисодиётни эркинлаштириш ва мулк ҳуқуқини ҳимоя қилишни мустаҳкамлашга қаратилган изчил чораларнинг амалга оширилиши инвестиция муҳитини янада яхшиламоқда. Бу хорижий сармояларни жалб қилишга ижобий таъсир кўрсатаётир.**

Хусусан, ўтган йили нефть ва газ соҳасида бу йўналишда талай ишлар амалга оширилди. Пойтахтимизда Ўзбекистон нефть ва газ соҳасини солиққа тортишни янада такомиллаштиришга бағишлаб ўтказилган бизнес-форумда шу ҳақда гап борди. Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ҳамда БМТнинг Тараққиёт дастури ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда соҳа ривожи иқтисодиётимиз равнақида муҳим ўрин тутиши таъкидланди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси масъул ходимлари, маҳаллий нефть ва газ ишлаб чиқарувчи компаниялар вакиллари иштирок этган тадбирда тармоқда амалга оширилаётган ишлар кўлами, соҳанинг солиқ билан боғлиқ жиҳатлари таҳлил этилди. Бу борадаги меъёрий ҳужжатларни бугунги кун талабига мос тарзда такомиллаштириш зарурлигига эътибор қаратилди.

**Н. АБДУРАИМОВА,**
**ЎзА мухбири.**

# БИР ЙЎЛА ЎНТАСИ

**2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури манзилий режасига мувофиқ Чиноз туманида кенг кўламдаги ишлар амалга оширилиши белгиланган.**

Шунга кўра, мавжуд 48 та билим даргоҳининг деярли барчаси қайта чирой очади. Чунончи, 6 таси янгидан қурилади, 17 таси мукаммал реконструкция қилиниб, 22 таси таъмирланади. Жорий йилда эса, бир йўла ўнтасида қурилиш-таъмирлаш ишлари олиб борилмоқда.

**Феруза ТЎРАЕВА.**


## Тошкент вилояти аҳолиси диққатига!

**Почта алоқаси бўлимлари ва почтальонлар томонидан 2007 йил июнь ойи пенсия ва нафақа пуллари пенсионерларга тўлиқ етказилган.**

**Жорий йилнинг июнь ойи пенсия ва нафақа пуллари етказилиши таъминланмаган ҳолатлар бўлса 50-04-43, 50-93-94 ва 50-03-71 рақамли телефонлар орқали "Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Тошкент филиалига мурожаат қилишингизни сўраймиз.**

***«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ Тошкент филиали маъмурияти.***


## Жиноят ва жазо

Халқимизнинг озиқ-овқат маҳсулотлари ва бошқа товарларга бўлган эҳтиёжини тўла қондириш борасида талайгина ишлар қилинмоқда. Истеъмолчиларнинг манфаатларини ҳимоя қилувчи идоралар ҳам фаол ишлаб турибди. Ички ишлар ходимлари бошқа ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар вакиллари билан ҳамкорликда йўл-патруль масканларида синчковлик билан хизматни ўтаб, мамлакатимизга товар-моддий бойликлар ноқонуний олиб кирилишининг олдини олишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Бироқ, айрим кимсалар ғаразли мақсадлари туфайли акциз маркалари, сертификатлари йўқ маҳсулотларни қонунга хилоф равишда четдан олиб келаётган бўлса, айрим шахслар мўмай даромад илинжида ноқонуний истеъмол моллари, ичимликлар ишлаб чиқариб, бозорларда сотишга уринаётирлар.

Уй шароитида коньяк тайёрлаб, мўмай даромад ишлаб топиш хаёли Маҳмудни кўпдан буён қизиқтириб келарди. «Ўйчи ўйлагунча...» деганларидек, у таваккал қилиб ишга киришди. Лекин бу ноқонуний қилмишлари учун 2003 йил 29 октябрь куни жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар суди томонидан унга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 186-моддаси 2-қисми «б» банди, 176-моддаси 2-қисми «в» банди билан икки йил синов муддати жазоси тайинланган эди. У бундан хулоса чиқариш ўрнига яна эски «ҳунари»ни қўмсади. Ҳа, ўрганган кўнгил ўртанса қўймас экан. Маҳмуд бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, кўп миқдордаги спиртли ичимликларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш, қалбаки акциз маркаларини ўтказиш билан шуғулланишни бошлади.

Жумладан, у 2006 йил октябрь ойининг охирларида коньякни яширин равишда тайёрлаш ва сотиш йўли билан бойлик орттириш мақсадида режа тузди. Улар Янгийўл шаҳридаги қайниси Озодга тегишли уйнинг бир хонасини керакли анжомлар билан жиҳозлашди. Энди эса ишлаб чиқариш учун хом ашё керак эди. У бунинг ҳам йўлини топди. Қўшни Қозоғистон республикасига ўтиб, спирт маҳсулотлари ва бошқа керакли ашёларни арзон-гаровга харид қилишга киришди. Дастлаб у Янгийўл тумани билан чегарадош Жанармай овулида Талъат исмли қозоқ йигити билан танишиб олди. Ундан 150 дона 1,5 литрли елим идишларга қуйилган этил спиртининг ҳар донасини 3600 сўмдан ва 50 дона коньяк спиртининг ҳар донасини 2700 сўмдан сотиб олди. Ўша ернинг ўзида Алишер исмли шахс билан коньяк маҳсулотлари учун қалбаки акциз маркалари, қопқоқлар ҳамда этикеткаларни тайёрлаб бериш ҳақида келишиб қўйди.

Қозоғистонлик «ҳамкор» ноябрь ойининг бошларида Маҳмуднинг «буюртмалари»ни бажариб берди. Учар тадбиркор коньяк маҳсулотлари учун 2400 дона қалбаки акциз маркаларининг ҳар донасини 400, 1000 дона пўкак қопқоқларнинг ҳар донасини 70, «Ўзбекистон» коньягининг ҳар бир этикеткасини 650 сўмдан, «Шодлик» коньяги учун ёрлиқларнинг ҳар донасини 400, «Халқобод» коньяги этикеткаларининг ҳар донасини 150 сўмдан сотиб олди. Уларни қайниси О. Рисқуловнинг уйига олиб келиб, қўлбола усулда «Ўзбекистон», «Шодлик» ва «Халқобод» коньякларини ноқонуний равишда тайёрлашни бошлаб юборди.



# ЯНГИЙЎЛДАН ЧИҚҚАН «ТАДБИРКОР»

### ёки Маҳмуд Усмоновнинг қўлбола коньяклар ишлаб чиқариш цехи қандай фош этилганлиги хусусида

Ишлаб чиқариш узлуксиз йўлга қўйилгач, табиийки, маҳсулотларни сотиш учун мижоз топиш керак эди. Маҳмуд дастлабки 300 дона «Ўзбекистон» коньягини Собир исмли шахсга 1.538.370 сўмга пуллади. Янги мижози Фарруҳ ҳам умумий нархи 410.232 сўмлик жами 80 дона «Ўзбекистон» коньягини сотиб олди.

Бу мўмай даромадлар Маҳмудни ҳовлиқтириб юборди. У қолган «қўлбола» коньякларни ҳам тезроқ пуллаш илинжида эди. Чунки, янги йил ҳам яқинлашиб келмоқда, бозорларда бу маҳсулотлар савдоси анча юришиб қолган эди.

Декабрь ойи охирларида Зангиота туман Гўзал маҳалласида Абдуҳошим бошқарувидаги «ВАЗ – 2106» русумли автоулов ички ишлар ходимлари томонидан тўхтатилди. Маҳмуднинг безовталаниши улар эътиборини тортди. Холислар иштирокида автоуловнинг салони ва юкхонаси текширилди. Уларга еттита қоғоз қути жойланганди. Қутиларда жами 717.906 сўмлик 140 шиша қўлбола «Ўзбекистон» коньяги бор экан. Уларни Маҳмуд жиноий шериги Собирга сотиш учун олиб кетаётганлиги аниқлангач, далилий ашё сифатида ҳужжатлаштирилди.

Тергов-суриштирув ишлари бошланди. Маҳмуднинг кўрсатмасига асосан қайниси Озодга тегишли уй холислар иштирокида кўздан кечирилди. Ҳовлидаги яширин цехда сотиш учун тайёрлаб қўйилган 116 шиша «Ўзбекистон», 42 шиша «Халқобод», 58 шиша «Шодлик» коньяклари ҳамда турли идишларга қуйилган 25,5 литр этил ва 80 литр коньяк спирти, 1934 дона акциз маркаси, 12 комплект коньяк маҳсулотларининг қопқоғига ўраладиган махсус зар қоғозлар, 525 дона «Ўзбекистон» коньяги этикеткаси, 700 дона пўкак қопқоқ, 165 дона қоғоз қути, ҳар хил турдаги полиэтилен қопқоқлар, 280 дона 0,5 литр ҳажмли бўш шиша идишлари ва қўлбола коньяк тайёрлаш учун мўлжалланган бошқа асбоб-анжомлар борлиги аниқланди. Уларнинг ҳаммаси далилий ашё сифатида ҳужжатлаштирилди.

Устаси фаранг тадбиркор ўз хатти-ҳаракатлари билан мамлакатимиз иқтисодиётига қанчалар зарар келтирганлигини «Мевасабзавотузумсаноат-холдинг» компаниясининг «Янгийўл агрофирмаси» очиқ акциядорлик жамиятидан олинган маълумотлардан ҳам кўрса бўлади. Бир дона «Халқобод» коньяги 2023 сўм 20 тийин, «Шодлик» коньяги 3404 сўм 10 тийин, «Ўзбекистон» коньяги 5127 сўм 90 тийин, 1 литр коньяк спиртининг нархи 4725 сўм, 10 литр миқдоридаги этил спиртининг нархи 11065 сўм 92 тийин бўлиб, коньяк маҳсулоти учун мўлжалланган акциз маркасининг 1 донаси 12 сўм 84 тийин туриши эътиборга олинса, бу зарарни ҳисоблаб чиқиш қийин эмас.

Шунингдек, судга оид техник-криминалистик экспертиза хулосасига кўра, М. Усмоновдан олинган 1934 дона акциз маркаси Ўзбекистон Республикаси «Давлат белгиси» Давлат-ишлаб чиқариш бирлашмаси томонидан тайёрланмаганлиги ва қалбакилиги аниқланди. Шунингдек, экспертиза хулосалари «Ўзбекистон», «Коньяк Халкабад», «Коньяк Шодлик» этикеткали шишалардаги суюқликлар амалдаги стандартларга жавоб бермаслигини кўрсатди.

– Шундай қилиб, Маҳмуд бир гуруҳ шахслар билан олдиндан тил бириктириб, жами 3.947.614 сўмлик этил спирти ва алкоголли маҳсулотларни қонунга хилоф равишда ишлаб чиқариш ва муомалага киритиш билан шуғулланган, – дейди вилоят ички ишлар бошқармаси терговчиси, катта лейтенант Абдувосид Абдуразоқов. – У Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 186-моддаси 3-қисми «а» ҳамда 176-моддаси 2-қисми «а», «в» бандлари билан жиноий жавобгарликка тортилди.

**Шерали АНВАРОВ,**
**вилоят Ички ишлар бошқармаси матбуот бюросининг катта нозири.**
**Жўра САЪДУЛЛАЕВ,**
**«Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт | Спорт

## ҲАМЮРТЛАРИМИЗ ШОҲСУПАДА

**Бельгиянинг Остенд шаҳрида ўтказилган трамполин бўйича жаҳон кубоги мусобақасининг бешинчи босқичида ҳамюртларимиз муваффақиятли иштирок этди.**

Трамполиннинг батутда синхрон сакраш тури бўйича беллашувларда Екатерина Хилько ва Анна Савкина дуэти 43,50 балл жамғариб, шоҳсупанинг учинчи поғонасига кўтарилди.

Айтиш жоизки, Е.Хилько ва А.Савкина жаҳон кубогининг София /Болгария/ шаҳрида ўтказилган тўртинчи босқичида ҳам синхрон сакраш бўйича кучли учликдан жой олган эди.

Шунингдек, Бельгияда ўтказилган жаҳон кубоги мусобақаси давомида ўсмирлар ўртасида халқаро турнир ҳам ташкил этилди. Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилган Владимир Елисеев иккинчи ўринни эгаллади.

**ЎзА.**

**Профессионал бокснинг нуфузли йўналишларидан бири – Жаҳон бокс ташкилоти (WBO) дунёдаги энг кучли чарм қўлқоп усталарининг янги рейтинг жадвалини эълон қилди.**
**Мазкур рўйхатга ўзбекистонлик профессионал боксчилардан икки нафари – Қаҳрамон Орзиқулов ва Қувончбек Тойғонбоев киритилди.**



## КУЧЛИ РЕЙТИНГ ЖАДВАЛИДА

WBO йўналиши бўйича 52 килограммгача бўлган вазн тоифасидаги беллашувларда муваффақиятли иштирок этаётган ҳамюртимиз Қ.Орзиқулов Жаҳон бокс ташкилоти рейтингида бир неча ойдан бўён бешинчи ўринни ўзида сақлаб келмоқда.

Профессионал рингда 16 жанг ўтказган 27 ёшли андижонлик чарм қўлқоп устаси Халқаро бокс уюшмасининг (IBA) жаҳон чемпиони ва Жаҳон бокс ташкилотининг (WBO) "Inter-Continental" қитъалараро чемпионлик камарлари соҳиби ҳисобланади.

Андижон бокс мактабининг яна бир тарбияланувчиси, профессионал бокс бўйича 69,8 килограмм вазн тоифасида рингга чиқаётган ҳамюртимиз Қ.Тойғонбоев эса Жаҳон бокс ташкилоти рейтингининг олтинчи поғонасида қайд этилган.

Профессионал боксчилик фаолиятини бундан ўн йил муқаддам бошлаган Қ.Тойғонбоев 32 жанг ўтказиб, 28 маротаба зафар қучган. Шулардан ўн саккизтасида рақибларини муддатидан олдин мағлубиятга учратган. 31 ёшли андижонлик боксчи ўтган йилнинг 3 декабрь куни чилилик Хоэль Себастьян Майога қарши ўтказилган учрашувида ғалаба қозониб, WBO йўналиши бўйича "Asia Pacific" чемпионлик камарини қўлга киритган эди.

Шундан буён Қ.Тойғонбоев мазкур чемпионлик камарини даъвогар боксчилар – россиялик Аҳмад Олигов ва танзаниялик Ҳассан Матумладан муваффақиятли ҳимоя қилди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, Қ.Тойғонбоев яна бир нечта рейтинг жангини муваффақиятли якунласа, яқин келажакда Жаҳон бокс ташкилоти йўналиши бўйича ўз вазн тоифасида жаҳон чемпионлиги учун рингга чиқиш имкониятига эга бўлади.

Алоҳида таъкидлаш лозимки, Жаҳон бокс ташкилотининг энг нуфузли чемпионлик камарини яқинда ўта оғир вазн тоифасида жаҳон чемпиони бўлган Султон Ибрагимов (Россия) қўлга киритди. Аввал хабар берганимиздек, профессионал бокснинг яна бир йўналиши – Жаҳон бокс уюшмасининг (WBA) ўта оғир вазнли чемпиони ҳамюртимиз Руслан Чагаев эса жорий йилнинг 13 октябрь куни Султон Ибрагимовга қарши рингга чиқадиган бўлди. Дунё бўйлаб миллионлаб мухлису мутахассислар кутаётган бирлаштирувчи ушбу жанг совринига Жаҳон бокс ташкилоти ва Жаҳон бокс уюшмаси олтин камарлари қўйилган.

**Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

Маънавият

Одамзод дардини бирбирига айтгиси келади. Тингловчи бўлса, сўзловчи кўп деганларидек, дил ёргинг келганда суҳбатдошингнинг кўнгли хотиржам бўлсин, шундагина сенинг аҳволингни тушунади, ҳеч бўлмаганда таскин беради.

Хуллас, бир танишим келиб, ҳол-аҳвол сўрашгач, тўсатдан «Нега одамлар қўпол бўлиб туғилишар экан-а?» деб қолди.

## ИНСОНПАРВАРЛИК ФАЗИЛАТЛАРИ

### ёки ҳашарни билмаган йигитлар

Мен дарров унга «Йўқ, ҳеч ким қўпол бўлиб туғилмайди, қўполликни кейин ўрганади» дедим-у, бир воқеа ёдимга тушди...

Бир одам ташкилотга раҳбар бўлиб келган кунидан муомалани қўполликдан бошлади. Жамоа «Бунинг яхши гапи йўқ шекилли», деб унга ихлос қилмади. Ўзи гапириб, ўзи чангни қоқиб юрган бу раҳбарни кўрганда одамлар чекка-чеккадан ўта бошлади. Йўқ, ундан қўрқишганидан эмас, кўришни хоҳламаганларидан. У эса ҳамон ерни гурсиллатиб юрибман, деб ўйларди.



Шундай кунларнинг бирида, у шу ташкилотда узоқ йиллардан буён ишлаётган ҳалол бир инсонга ҳам қаттиқ гапирди. Ҳатто « Мен ҳамма гапимни қонун доирасида айтаяпман», деб дағ-даға ҳам қилди. Шунда отахон ўрнидан туриб:

– Қонун доирасида гапираётганингиз яхши ука, лекин биронта қонунда қўполлик ишлатилсин, деган жойи йўқ. Қонунларимизда ҳам бир-бирига ўзаро ҳурмат, хушмуомалалик, меҳр-оқибат бор. Мен фақат бир нарсадан афсусдаман. Сизнинг қўполлигингиз туфайли азият чеккан одамлар юзингизга айтмаса ҳам чет-четда «лаънат» дейишмоқда. Бу отангизнинг номи учун яхши эмас, – деди.

Бу жуда оғир ва кутилмаган зарба эди. Бошлиқ шартта ўрнидан туриб «Отамга нега тил теккизасан?» деб қарияни сенсираб кетди. Йиғилиш кўнгилсизлик билан тугади...

– Фарзанднинг яхшиси отага раҳмат келтиради, ёмони эса лаънат, – дейди кўпни кўрган бир отахон. – Шунинг учун болалар тарбиясида ота бир кун келиб фарзандлари унга лаънат келтириши ҳам мумкинлигини эсдан чиқармаслиги керак. Фарзанд эса ҳар бир номаъқул иши отасининг шаънига дахлдор эканлигини ҳам ҳисобга олиб қўйсин.

Отахоннинг гапи одамни чуқур ўйлантириб қўяди. Негаки, кейинги пайтларда маънавият-маърифат, кўп гапирамиз-у, инсоний фазилатлар, унинг маънавиятнинг бир бўлаги эканлиги ҳақида камроқ фикр юритамиз.

Инсонпарварлик фазилатларини тарбиялаш қачон ва қаерда бошланиши керак, деган бир қарашда осон туюлган саволни ҳар ким ўзига бериб кўриши ва жавобини излаши керак. Кимдир оиладан, шахсий ибратдан, мактабдан, меҳнат жамоасидан бошланиши керак деган фикрни айтиши табиий. Бу ҳам бир жиҳатдан тўғри. Лекин мен инсонпарварлик фазилати аввало ҳар бир инсоннинг кўнглидан бошланиши керак дейман. Бунинг учун аввало, кўнгил тўғри бўлиши лозим.

Инсонпарварлик фазилати миллий урф-одатимиз, анъана ва қадриятларимиз билан ҳам чамбарчас боғлиқ. Битта мисол. Ҳашар ота-боболаримиздан қолган яхши урф-одатимиз деб кўп гапирамиз. Унда инсон инсонга ёрдам бериши, оғирини енгил қилиши, қолаверса, шу хонадонга нисбатан ҳурмат ифодаси намоён бўлади. Афсуски, шундай самимий одат кўп жойларда ўз-ўзидан йўқолиб бораётгандек туюлади менга. Бир танишим бошидан ўтган воқеани жуда афсусланиб айтиб берган эди.

– Бир амаллаб янги қурган иморатимнинг устини ёпиб олдим. Ичи ва сиртини сувоқ қилиш учун устага боришга қўлим калталик қилди. Ўйлаб-ўйлаб «Ўғлим, ўртоқларингни бир ҳашарга чақирсанг, уйнинг ичи-сиртини сомон сувоқ қилиб олардик», дедим. Ўғлим эртасига барча ўртоқларини ҳашарга чақириб чиқди, индинига эса иш бошланди. Тушлик ва кечкига яхши овқатлар тайёрлатдим. Иш тугаб, овқат ейилиб, ҳаммасига раҳмат айтиб кузатиб қўйдим. Ўртоқлари билан чиқиб кетган ўғлим бир маҳал қайтиб кириб:

– Дада, оғайниларим, ҳеч бўлмаса бир кунлик иш ҳақимизнинг ярмини – беш минг сўмдан пул берсин деяпти, – деб қолди. Бўшашиб кетдим. Ўзим чиқиб, уларга «Ўғилларим, бу ҳашар дегани отабоболаримиздан қолган урф-одат. Бугун бизникида ҳашар бўлди», дедим. Шу пайт кимдир:

– Бекназар ака, биласиз, ҳаммамизнинг ишимиз бор, уйга ҳар куни камида ўн минг ишлаб келамиз. Майли, бугун икки маҳал овқат едик, ҳеч бўлмаса беш мингдан бермасангиз бўлмайди, – деди.

Билдимки, уларга тушунтириш ортиқча.Ноилож, ён қўшнимдан 50 минг сўм қарз олиб, уларга тарқатдим...

Бир дўстимга шу воқеани сўзлаб берсам дарров:

– Мана шу жойда маънавият ишлаши керак, – деб қўйди. Бу гапда катта ҳақиқат ётибди.

Юқорида тилга олинган икки воқеада, яъни отасига лаънат келтираётган қўпол бошлиқ билан ҳашарни билмаган йигитларни бир нарса боғлаб туради. Уларда инсонпарварлик фазилатларининг йўқлиги, миллий қадриятларимиз ва яхши урф-одатларимизнинг моҳиятини тушунмаслик шундай одобсизликларга олиб келган.

Ота-бобомиздан қолган ҳашарни пулга чақиб, меҳр-оқибатни, маҳаллачилик ва қўни-қўшничиликни арзонга пуллаш ҳам одобсизликдир. Зеро, ҳашар кўнгил байрами, одамнинг одамга ҳамдардлигидир, ҳашар инсоний фазилатнинг ажойиб, гўзал кўринишидир!

Энди бир-икки оғиз гап дахлдорлик ҳақида. Ёнатрофимизда юз бераётган воқеаларга нисбатан меники, бизники, юртимники каби тушунчаларнинг мазмун-моҳиятини тўғри англаш дахлдорликдир. Дахлдорлик маҳаллаларимиздан бошланиши керак. Нотинч оилалар, бебош болалар, ножўя хатти-ҳаракатларнинг барчаси маҳаллага дахлдор. Бу ерда фақат маҳалла қўмитаси раиси эмас, балки кўзга кўринган оқсоқоллар, кайвони онахонлар, ҳурмат-эътиборли одамлар бор. Дахлдор бўлсанг, бехабар бўлмайсан.

Ҳар бир инсон, айниқса, ёшлар шу юртга, шу Ватанга дахлдорлик ҳиссини ўз кўнглида дарахтдек ўстирса, соғлом фикрлайдиганлар сафи кенгаяверади.

Инсонпарварлик фазилатлари кенг қамровли тушунча. Унда хулқ-атвор ва урф-одатга, анъана ва миллий қадриятларимизга ҳурмат ва эътибор ҳамда содиқлик мужассам. Ҳар бир инсон бу ҳаётда нимага эришган бўлса, буни аввало шу юртда бўлаётган тинчликдан, ўзининг яхши хулқидан ва кўнгли тўғрилигидан изласин. Зотан, яшаш – синовдир. Бу синовдан муваффақиятли ўтиш ўзимизга боғлиқдир.

**Ҳамид НОРКУЛОВ.**



## АФРИКАЛИК МАСХАРАБОЗ

*Ҳажвий ҳикоя*

Эсингизда бўлса, ўтган йили наманганлик бир оғайним ҳақида ҳикоя қилувдим. У мени Наманганга чақириб кетганидан ҳам хабарингиз бор.

Наврўзни ўтказиб, поездга чиқдим. Купега кирсам, новча, ориқ киши ўтирибди. Тақасимон кичкина мўйлови, кулиб турган қўй кўзлари, туртиб чиққан ёноқларигача таниш.

– Тошкентга бир айланиб келибсиз-да, амаки, – дедим ундан гап олиш учун. – Болалар ўқийдими?

– Болалар ўқимайди, ҳали ёш. Тошкентга келиб, ўзим сабоқ олиб кетаяпман.

У муртини силаб, кулиб қўйди. Йўл юравериб, ҳар хил одамлар билан учрашавериб, ўрганиб кетганман. Бунақа кишилар ҳангоманинг кони бўлади. Ўзи ҳам очиқ-ёруғ, ичида гап ётмайдиган одамга ўхшайди.

– Уйқунгиз қочмаган бўлса, чой дамлаб келай, – деб ўрнимдан турдим.

Ҳамроҳимнинг исми Сувонқул экан. Ўзи Қирғизистон билан Наманганнинг чегарасидаги тоғли бир қишлоқда тураркан. Гоҳо ўзининг қилиқларидан кулиб, гоҳо афсусланиб, яқинда бошидан ўтган воқеани айта бошлади:

– Ерни сув бузади, одамни гап, деб машойихлар билиб айтган экан. Сувонқул, қирқдан ўтдинг, нафсингни қирқ, деб сандалнинг четида тўшакка ўраниб ётмайманми? Мени анови қизилбош баччағар йўлдан урди.

– Қизилбошингиз ким?

– Ҳасан-да! Елтегирмоннинг ёнида туради, – деди Сувонқул ака, гўё мен уни танийдигандай. – Ўзи бензовоз минади. Ўн беш кун ишлаб, ўн беш кун дам олади. Бир куни кўчада қўлимдан ушлаб, ялиниб қолди. «Сувонқул ака, юринг, Сибирга олиб бориб, ўйнатиб келай», дейди. «Сибирда нима қиламан, пишириб қўйибдими?» дедим. Қизилбош ёш бўлгани билан шайтоннинг илмини ўқиган. «Хоми бўлса пиширасиз-да, ака, – деб кулди. – Икки чамадон анор олсангиз бўлади. Ҳам тижорат, ҳам саёҳат дегандай, айланиб келамиз. Баҳонада беш-ўн сўмлик бўлиб қоласиз».

Ажабтовур ерда анорзорим бор. Бир-икки тонна мева қилади. Бошимни қашлаб туриб қолдим. Бир томони юрагим дов бермади. Умримда қишлоқдан нарига чиқмаганман. Иккинчидан, Сибирларни кўргим келади. Қанақа жойлар экан-а? Бозорини берса, Ҳасан айтмоқчи, беш-ўн танга орттириб, чўнтакка ташлаб қўярман. Ўғил-қиз етилиб қолди, ўқишга кирари бор, тўй-тумалоғи бор...

Хуллас, Ҳасанга хўп дедим. Октябрнинг охирлари эди. Чорбоққа чиқиб, анорнинг сархилидан саксон килоча уздим. Катта-катта икки чамадонга яхшилаб жойладим. Йўлда ебкетарга деб беш-ўн кило олма, узум олдим. Бир чамадонга иссиқ кийимларимни босдим. Қизилбош тўрт яшикда лиқлиқ қилиб памилдори олибди. Жўнадик.

Поездда икки кечаю-икки кундуз йўл босдик. Учинчи кун атрофи тап-тақир, ҳувиллаган бир стансага келиб тўхтадик.

– Тушамиз, – деди Ҳасан.

– Ҳм, келдикми?

– Йўқ. Яна пича бор. Энди пароходга чиқамиз.

Умримда пароходга минмаган эдим, сувда сузадиган уйни ҳам кўрадиган бўлибман, деб суюндим. Юкларни тушириб, вокзалга обкириб қўйдик. Мен қоровул бўлиб қолдим, Ҳасан пароход гаплашгани кетди.

Икки соатларда қайтиб келди. Пароход кетиб қолганмиш. Олти кишилик бир «виллис»ни гаплашибди.

Яшигу чамадонларни дарров машинага ортдик. Ўнқир-чўнқир, ботқоқлик ерлардан ўтиб, қалин ўрмонга кирдик. Не азоблар билан етти ҳуфтонда Туман деган шаҳарга етдик...

– Тюмень бўлса керак, – дедим Сувон аканинг соддалигига кулиб.

– Ким билади. Ишқилиб, Туман дейишаркан. Бу ерда худонинг берган куни туман тушар экан, шунгами... Ўша Туманда Ҳасаннинг Марпа деган бир ўрис холаси бор экан. Тўғри бориб, ўшаникига тушдик. Бечора, бевақт келдинглар, демай бирпасда жиз-биз қилиб, картишка қовуриб кирди. Бир яйрадик.

Азонлаб туриб, бозорга отландик. Изғирин, совуқ. Ке, олифтагарчилик қилмай, иссиқроқ кийиниб олай, деб чамадонни очдим. Очдим-у, бақа бўлиб қолдим. Қарасам, чамадонда биттаям менинг кийимим йўқ, ҳаммаси хотинники! Жаҳлим чиқиб, чамадонни ағдар-тўнтар қилиб ташладим. Янгангизни жемпери, жун рўмоли, ич кўйлаклари, пайпоғи, хуллас, упаю сурмасигача тахланиб ётибди...

– Чамадон нега алмашиб кетибди, билмадингизми?

– Қайдам, – деди Сувонқул ака чой хўплаб, пиёласини узатаркан. – Йўлга чиқиш олдидан анави захри қотилдан озгина-озгина олувдик. Ҳасан, «машина келди», кетдик, деганда шошиб қолдим. Ўғилга уйдаги чамадонни олиб чиқ, дедим. Каллаварам, меники қолиб, онасиникини солибди-да машинага... Ке, қўйинг-чи, бир чамадон латта-puттага ҳайрон бўлиб қараб туравердим. «Ҳўв, Сувонқул ака, пардозингиз тугадими», деб Ҳасан кирди. Аҳволимни кўриб, у ҳам сизга ўхшаб кулди: «Анорни сотайлик, сизни ўзим куёвдай ясантириб қўяман», деди Қизилбош. Юкларимизни аравага ортиб, бозорга жўнадик.

Бозорга кириб, анграйиб қолдим. Ё қудратингдан! Бу – тупканнинг тагидаги бегона юртга эмас, ўзимизнинг Учқўрғон ё Шаҳрихон бозорларига ўхшаб кетади. Асов отни ўргатса бўладиган катта майдон. Усти ёпиқ узун пештахталарнинг ярмини ўзимизнинг одамлар эгаллаб ўтирибди. Ола дўппилик, қирғиз қалпоқлик, тулки дамоқлик, қора чопон, кўк чопон кийиб, белини бойлаган кишилар. Бировнинг олдида саримсоқ пиёз, бировда туршак, бирови қопининг оғзини қайириб, ёнғоқ сотаяпти. Анор кўп-у, памилдори камчилроқ экан.

Чамадонни очиб, анорларимни арча шаклида териб қўйдим. Хаёлимда менинг туятиш анноримни кўрганда харидорлар аридай гужғон ўйнаб кетиши керак эди. Йўқ, улар бепарво. Бир дона анорни чимчилаб оғизларига ташлашади-ю, «Пачём?» дейишади. Оғзимни тўлдириб «Фалон!» дейман. Харидорлар калла чайқаб, ўтиб кетишади.

Бир-икки соат ўтди. Совуқ забтига ола бошлади. Қўлларимни куҳ-куҳлаб, ер депсиниб турибман. Бозорим касод. Олгани икки юз грамм, ярим кило олади, олмагани йўқ. Шу аллозда пешин бўлди. Мундоқ чамалаб қарасам беш кило ҳам сотмабман. Тишим такиллаб, ер депсиниб ёнимга қарайман. Ҳасан қизил бошнинг тили ҳам, қўли ҳам тинмайди. Бир яшикни бўшатиб, иккинчисини очаяпти. Совуқни писанд қилмайди. Шу, иним, одамнинг қўлида пул ўйнаса иссиқ-совуққа бефарқ бўлиб қолади-ми дейман-да? Лаббай?

Совуқ суяк-суягимдан ўта бошлади. Охири чидамадим. Марпа холанинг уйи яқин эди, исингани югурдим. Карам шўрва ичиб, қайтиб келсам, Ҳасан анордан икки килоча сотибди. Ўзининг яшиги яримлай дебди. Кўзимни чирт юмиб, анорнинг нархини туширдим. Сал нарида ўтирган ҳамюртларим, «ўйинбузуқилик қилма, сотишни билмасанг ўзимизга арзонига ўтказ», деб тўнғиллашди. Индамадим...

**Саъдулла СИЁЕВ.**

(Давоми кейинги сонда).

Бу қизиқ

### ЖАҲОНГАШТА ВЕЛОСИПЕДЧИ

**Хитойнинг Хэбэй туманида яшовчи 50 ёшли Ли Юэчжун сўнгги ўн йил ичида ўз велосипедида 88 мамлакатни кезиб чиқди.**

"Жэньминь жибао" газетасининг ёзишича, саёҳатчи 1997 йилнинг март ойидан буён Европа, Африка ва Америка қитъаларида бўлган. Айни вақтда у Корея яримороллига кетмоқда.

Умуман, Ли Юэчжун велосипедда саёҳат билан 1992 йилдан буён шуғулланади. У илк 14 ойлик саёҳати давомида 25 минг километрдан ортиқ масофани босиб ўтган.

### ДИЗЕЛЬ+ЭЛЕКТР ПОЕЗДИ

**Япониянинг "East Japan railway" темирйўл компанияси гибрид (дизель-электр) двигателли поездни фойдаланишга топширмоқда, деб хабар беради РАТА-ТАСС. У 31 июлдан Обутидзава-Коморово йўналишида қатнай бошлайди.**

Ушбу поезднинг афзаллиги шундаки, унинг гибридли двигатели ёнилғига сарфланадиган маблағни 10 фоиз, атмосферани зарарлантирувчи чиқинди ҳажмини 60 фоиз камайтириш имконини беради.

**ЎзА.**

Тошкент вилояти ёнғинга қарши кураш жамиятининг думалоқ муҳри Тошкент вилоят адлия бошқармасининг 2006 йил 25 декабрдаги 08-2/4677-сонли хатига асосан
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қибрай туманидаги молия коллежи томонидан 1999 йилда Нишонов Ҳасан Сайфиддинович номига берилган № 31500 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

## СКАНВОРД




Тузувчи: Файзулла АБДУЛЛАЕВ.

«Тошкентвилоятулгуржисавдо»

масъулияти чекланган жамияти ўз қатнашчиларини 2007 йил 20 июль куни соат 10.00 да Сергели тумани, Қипчоқ кўчаси, 56-а уйга умумий йиғилиш ўтказиш учун таклиф этади.

Кун тартиби:

1. 2006 йил якуни бўйича бош директор ҳисоботи.

2. Товар айирбошлаш даражасини ошириш мақсадида қилиниши керак бўлган чора-тадбирлар тўғрисида.

3. Бошқа масалалар.

Қўшимча маълумот учун телефон: 58-72-56.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис:
ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир
Убайдулла
АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар:
Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54.
Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз:
700000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-640. Адади 3748. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.40.

2 3 4 5 6